



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДҚИҚОТНИНГ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛЛАРИ



Мадмаров Махмуд Маъруфович

Central Asian medical university

Kamta ўқитувчи (PhD)

E-mail: madumarovmahmud@gmail.com

Orcid: <https://orcid.org/0009-0005-7472-7741>

УЎК: 616.314 - 003.7 : 355 :613.26 : 615.375 -084

Аннотация: Мазкур мақолада энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ривожланган ҳарбий хизматчиларда ўтказилган клиник-стоматологик тадқиқотнинг материали ва усуллари баён этилган.

Калит сўзлар: Тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари; ҳарбий хизматчилар; энергетик ичимликлар; кофеин; тиш эрозияси; клиник-стоматологик тадқиқот; гисто-морфологик таҳлил; профилактика; этиопатогенез.

Аннотация: В данной статье представлены материалы и методы клинко-стоматологического исследования, проведённого среди военнослужащих с заболеваниями твёрдых тканей зуба, развившимися вследствие употребления энергетических напитков.

Ключевые слова: заболевания твёрдых тканей зуба; военнослужащие; энергетические напитки; кофеин; эрозия зубов; клинко-стоматологическое исследование; гисто-морфологический анализ; профилактика; этиопатогенез.

Abstract: This article presents the research material and methods of a clinical-dental study conducted among military personnel with hard dental tissue diseases caused by the consumption of energy drinks.

Keywords: hard dental tissue diseases; military personnel; energy drinks; caffeine; dental erosion; clinical-dental research; histo-morphological analysis; prevention; etiopathogenesis.

Кириш

Сўнгги йилларда энергетик ичимликларнинг истеъмоли, айниқса ёш ва жисмоний фаол аҳоли қатламида, жумладан ҳарбий хизматчилар орасида, тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бу ичимликлар таркибидаги юқори микдордаги кофеин, таурин ва бошқа биологик фаол моддалар нафақат умумсоматик, балки стоматологик соғлиққа ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, 150 мг/л дан ортиқ микдорда кофеин сақлаган ичимликларнинг тиш қаттиқ тўқимасига бевосита эрозив таъсир механизми мавжудлиги маълум бўлиб, бу тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг шаклланиши ва кечиши билан боғлиқ этиопатогенетик омиллар қаторига киритилади.

Ҳарбий хизмат шароитида юклама, стресс омиллари ва овқатланиш тартибидаги ўзгаришлар фонида энергетик ичимликларни узоқ муддат истеъмол қилиш тиш қаттиқ тўқималарининг патологик ўзгаришларини кучайтириши мумкин, бу эса ушбу муаммонинг долзарблигини янада оширади. Шу билан бирга, мазкур патологиянинг клиник-стоматологик кечиши билан бир қаторда унинг гисто-морфологик асосларини комплекс ўрганиш, эрта ташхислаш ва профилактика мезонларини ишлаб чиқиш учун илмий асос яратади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ушбу тадқиқотнинг мақсади энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ривожланган ҳарбий



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

хизматчиларда клиник-стоматологик ва гисто-морфологик боғлиқликларни ўрганишдан иборат бўлиб, бу орқали ушбу патологиянинг эрта ташхиси, кечиш истикболи ва профилактикаси учун илмий асосланган мезонлар яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда тиш-қаттиқ тўқимаси касалликларининг шаклланиши ва кечиши, ташхиси, давоси ва профилактикаси бўйича турли тадбирлар ишлаб чиқишда патологик жараённинг клиник томонлари билан бир қаторда уларнинг этиологик омиллари учраш даражаси муҳим ўрин тутди. Кўзгатувчиларнинг организмга тушиши ва патологик жараёни келтириб чиқариши билан боғлиқ гистоморфологик жиҳатларни ўрганиш зарур.

Шу муносабат билан тиш-қаттиқ тўқимаси касалликларининг клиник-стоматологик ҳамда гисто-морфологик боғлиқликларни ўрганишни мақсад қилиб қўйилган. Бу орқали ушбу патология эрта ташхиси, якуни истикболи ва профилактикаси учун конкрет гисто-морфологик мезонлар яратиш ҳам илмий тадқиқот ишининг вазифаларидан биридир.

Материал ва усуллар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу илмий тадқиқот иши режалаштирилади ва шу асосида ўтказилади. У тайёргарлик, амага ошириш ва якуний босқичлардан иборат бўлади.

Тайёргарлик босқичида илмий-тадқиқот иши мавзуси, мақсади ва вазифалари белгилаб олинади, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб олинади. Тадқиқот давомида тиш-қаттиқ тўқимаси касалликлари ўрганилади. Кейинчалик илмий ишнинг материал-техник, услубий ва назарий базаси таёрланади. Тайёргарлик босқичида тадқиқотчи томонидан зарур бўлган клиник-стоматологик, шунингдек гисто-морфологик усуллар ўтказилади. Тадқиқотларни амалга ошириш этапида тиш-қаттиқ тўқимаси касалликлари кузатилган ҳарбийлар стоматологик статуси, гисто-морфологик жиҳатлари ўрганилади. Барча материал статистик ишлаш, талқин ва таҳлил қилиш, ишонарли натижалар олиш, ҳамда асосли хулосалар қилиш учун етарли бўлганидан кейин тадқиқотлар тўхтатилади.

Якуний босқичда барча стоматологик ва гистоморфологик тадқиқотлар бўйича олинган рақамлар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланади, ишонарли натижалар олинади, асосли хулосалар қилинади. Бунинг учун барча рақамли материал тизимланади, жадваллар, диаграммалар ва расмлар кўринишида келтирилади, улар асосида илмий маълумот шакллантирилади. Илмий маълумот изланувчи томонидан илмий раҳбарнинг бевосита назорати ва иштироки асосида ёзилади, зарур ҳолларда морфолог олимлар маслаҳати ҳам олинади. Барча стоматологик ва гисто-морфологик тадқиқотлар материали бирламчи материаллар сифатида расмийлаштирилади ҳамда бирламчи экспертиза учун тайёрлаб қўйилади.

Натижалар ва муҳокама

Тадқиқот учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси томонидан Фарғона ҳарбий госпиталига илмий иш текшируви (28.04.2025 йилдаги № 686 сонли хатига асосан) олиб борилган ва жами 604 нафар энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари мавжуд ҳарбийлар текширилди. Бунга мувофиқ Фарғона шаҳридаги CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY базасидаги “Meridian diagnostic Hospital” клиникасида даво-профилактик ишлар олиб борилган. Шулардан тадқиқот мақсадида асосий гуруҳда 195 нафар энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари билан оғриган 18-44 ёшли ҳарбийлар ҳамда назорат гуруҳи учун 42 нафар тиш қаттиқ тўқимаси соғлом ҳарбийлар ажратиб олинди.

Тадқиқот давомида ҳарбийларнинг ёш даражаларига бўлиб ўрганилди (ЖССТ классификациясига асосан).




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Тадқиқотга киритилган, барча ҳарбийлар 2 та катта гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳ энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбийлар тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари мавжуд 195 нафар ҳарбийлардан ташкил топди. Назорат гуруҳи ҳарбийлари 18-44 ёш оралиғидаги 42 нафар ҳарбийлар гуруҳидан ташкил топди (1-расм).



1-расм. Тадқиқотда текширилган ҳарбийларнинг кузатув гуруҳлар мунособати

Тадқиқот давомида барча иштирокчилар тадқиқотни олиб боришнинг мақсади ва вазифаларини ўз ичига олувчи “Ҳарбий учун маълумотлар” билан ёзма ва оғзаки шаклда таништирилди ҳамда ўтказилаётган илмий изланишда иштирок этишга “тадқиқот иштирокчилари розилиги хати” шакли билан танишиб ҳар бир ҳарбий розилик билдириб, имзолади.

Беморларнинг шикоятлари ва сўровномалар натижасида шунини аниқладикки биз, асосий гуруҳ беморларини 2 та тоифага бўлдик. 1 тоифа 5 йилдан 10 йилгача энергетик қабул қилганлар, 2 тоифа беморларни 10 йилдан ортиқ муддатда қабул қилганларга бўлдик (1-жадвал).

1-жадвал

Энергетик ичимликларни ичиш бўйича йиллар давомийлигига қараб бўлиниши

Беморларнинг бўлиниши	1 тоифа		2 тоифа	
	мут сони	%	мут сони	%
Асосий гуруҳ 195 нафар 100%	111 нафар	56,92%	84 нафар	43,08%

1 тоифа беморлари тадқиқотимизнинг 56,92% ни ташкил қилди булардан сўровнома олинганда 5 йилдан то 10 йилгача энергетик ичимликлар ичиб келишган. 2 тоифа беморлари эса тадқиқотимизнинг 43,08% ни ташкил қилди булар 10 йилдан ортиқ давр мобайнида энергетик ичимликлар ичиб келишган.

Энергетик ичимликларнинг таркибидаги 150 мг/л.дан ортиқ миқдорда кофеин инсон организмига салбий оқибатларга олиб келувчи, ҳамда тиш қаттиқ тўқимасига тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир механизмига эга ичимликлар қаторига киритилади. Айнан кофеин ва таурин тиш қаттиқ тўқимасига этиопатогенетик таъсир қилиб, тиш қаттиқ тўқимасини эррозив кўринишга олиб келиши аниқланди ва шунга мувофиқ биз энергетик ичимликларни таркибига




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

кўра ҳам асосий гуруҳ беморларни 2 та тоифага бўлдиқ булар таркибида 1 тоифа беморлари 150 мг/л.дан кам миқдорда кофеин ва 2 тоифа беморлари 150 мг/л.дан ортиқ миқдорда кофеин сақланишига қараб бўлдиқ ва сўровнома натижасида беморларни энергетик ичимлик таркибига қараб ҳам бўлдиқ (2-расм).



2-расм. Энергетик ичимликлардаги кофеин таркибига қараб ҳам бўлиниши.

2-расмдан кўриниб турибдики 2-тоифа беморлари 32 нафарни ва 64% ни ташкил қилди. 1-тоифа беморлари 18 нафар 36,0% ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики 150 мг/л.дан ортиқ миқдорда кофеин сақланадиган ичимликлар ичиб юриши маълум бўлди.

2-жадвал

Энергетик ичимликларни ичиш миқдори бўйича бўлиниши

Ичиш миқдори	0,5 литргача		1,0 литргача		1,5 литргача ва ундан юқори	
	мут сони	%	мут сони	%	мут сони	%
Асосий гуруҳ 195 нафар 100%	76	38,97	67	34,3	52	26,73

Энергетик ичимликларни 1 кунда қанча миқдорда ҳарбийларимиз ичиб келиши сўровнома асосида аниқланди бунга мувофиқ 3 та миқдорий ичиш шкаласи бўйича аниқланди (2-жадвал).

Хулоса

Тадқиқот учун шакллантирилган гуруҳлаш тизими — истеъмол давомийлиги, миқдори ва таркибидаги кофеин даражаси бўйича — кейинги клиник-стоматологик ва гистоморфологик таҳлилларни ишончли ва асосли ўтказиш имконини беради. Олинган бирламчи маълумотлар энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг ривожланиш хавфи омилларини чуқур ўрганиш ҳамда ҳарбий хизматчилар орасида профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI**

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лосик И.М. Состояние твердых тканей зубов и гигиена полости рта детей дошкольного возраста // Современная стоматология. 2018. - №1(70). - С. 52-54.
2. Хайдаров А.М. Распространенность и частота заболеваний пародонта у детей, проживающих в городах с различной экологической обстановкой // Журнал биомедицины и практики, 2017.- Т.1, - №1, - С. 32-37.
3. Голованенко А.Л. Обзор реминерализующих лекарственных средств, применяющихся для профилактики и лечения начального кариеса эмали // Тихоокеанский медицинский журнал, 2018. - №2(72). - С. 37-43
4. Доменюк Д.А., Давыдов Б.Н. Возможности микрокомпьютерной томографии в диагностике ранних форм кариеса жевательной поверхности постоянных моляров у детей. ЧАСТЬ II // Стоматология детского возраста и профилактика, 2019. - Т. 19, - №2(70). - С. 4-12.

